O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2006 йил 20 май ШАНБА

№ 39 (11.842)

1928 йил 11 декабрда асос солинган • Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси • Эркин нархда сотилади

САЛОҲИЯТИ ЮКСАЛАЁТГАН ЗАМИН

Илгари хабар қилинганидек, Президентимиз Ислом Каримов жойларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ва олиб борилаётган ислоҳотлар жараёни билан танишиш мақсадида 18-19 май кунлари Навоий ва Бухоро вилоятларида бўлди.

Давлатимиз раҳбари 18 май куни Бухородаги шаҳар Марказий истироҳат боғини кўздан кечирди. Қарийб 72 гектар майдонни эгаллаган, тубдан таъмирланган ва бутунлай янгича қиёфа касб этган мазкур боғда бухороликлар ва шаҳар меҳмонларининг мазмунли ҳордиқ чиқариши учун барча шароит яратилган. Хорижий сайёҳлар кўп келадиган Бухоро каби қадимий шаҳар учун бундай боғнинг аҳамияти катта.

Юртбошимиз бу ерда амалга оширилган қурилиш ва реконструкция ишларига юқори баҳо берди. Боғ, жумладан, жорий йил 9 май – Хотира ва қадрлаш куни арафасида барпо этилган Хотира хиёбони ён-атрофдаги тарихий обидалар билан уйғунлашиб, яхлит бир мажмуага айланганини таъкидлади.

– Бугун мамлакатимизнинг ҳар бир вилоятида Хотира хиёбони барпо этилган, – деди давлатимиз раҳбари. – Лекин улар бир-бирига ўхшаб қолмаслиги керак. Чунки ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос жиҳатлари, анъаналари бор. Бу ўзига хослик ҳар бир хиёбон, ундаги Она сиймосида ҳам акс этмоғи лозим.

Ҳомийлар ва шифокорлар йили муносабати билан мамлакатимизда кўплаб бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда, хусусан, янги тиббиёт муассасалари, соғломлаштириш масканлари барпо этилмоқда. Президентимиз ана шундай иншоотлардан бири – Бухоро шаҳрида яқинда фойдаланишга топширилган диагностика маркази фаолияти билан танишди. Олтмиш нафарга яқин тиббиёт ходими меҳнат қиладиган ушбу марказда кунига юздан зиёд беморга хизмат кўрсатилади.

Юртбошимиз сўнгги русумдаги техника воситалари билан жиҳозланган бундай замонавий тиббиёт муассасалари аҳоли саломатлигини сақлашда муҳим аҳамиятга эга эканини қайд этди. Шифокорларнинг савобли меҳнатига юксак баҳо берар экан, ҳар бир тиббиёт ходими аввало беморнинг ўрнига ўзини қўйиши, унинг кўнглига йўл топа билиши керак, деди Президентимиз. Чунки беморни фақат доридармон эмас, шифокорнинг ширин сўзи, самимий муносабати ҳам даволайди.

Ислом Каримовнинг Бухоро вилоятига сафарининг иккинчи куни Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуаси зиёратидан бошланди.

Мамлакатимизда барча соҳалар сингари маънавият ва маърифат, таълим ва тарбия жабҳаларида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Буюк аждодларимиз хотирасини абадийлаштириш, маънавий меросини асраб-авайлаш ва кенг тарғиб этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратлари томонидан жаҳон тафаккур хазинасига қўшилган улкан маънавий меросни атрофлича ўрганиш, бу бетакрор бойликдан ёш авлод тарбиясида самарали фойдаланиш борасида кўп ишлар амалга оширилди ва бундай эзгу ишлар давом этмоқда.

Давлатимиз раҳбари мажмуани зиёрат қилар экан, бу муборак зот мангу осойиш топган ушбу макон барчани эзгуликка чорловчи маскан бўлиб қолаверишини таъкидлади.

– Бундай муқаддас жойларни зиёрат қилиб туриш ҳар бир инсон учун фойдали, – деди Президентимиз. – Чунки бунақа пайтда одам ўзида руҳан енгиллик сезади. Кечирган умрини хаёлдан ўтказади, таҳлил қилади, бу дунёда инсон фақат яхшилик қолдириши лозимлигини ҳис қилади. Шундай муқаддас заминда яшаётганига шукроналар келтиради.

Ислом Каримов Бухоро шаҳрида истиқлол йилларида амалга оширилган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларига юқори баҳо берди. Айни пайтда қурилаётган ҳар бир иншоот ота-боболаримиздан мерос миллий меъморлик анъаналарига мос бўлишини, Бухоронинг қадимий обидаларига уйғун бўлиши лозимлигини таъкидлади. Ушбу ҳудуд иқлим шароитидан келиб чиққан ҳолда, боғ-роғларни янада кўпайтириш, кўча ва хиёбонлардаги дарахтлар ҳамда гулзорлар парваришига эътиборни кучайтириш зарурлигини уқтирди.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ўз самарасини бермоқда. Пахта, ғалла ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришда фермерлар улуши тобора кўпайиб боряпти. Паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган ширкат хўжаликлари деярли қолмади. Бухоро туманида ҳам экин майдонлари тўлиқ фермерлар ихтиёрига берилган. Айни пайтда бу ерда пахта ва ғалла етиштирувчи 650, боғдорчиликка ихтисослашган олти юздан зиёд фермер хўжалиги иш юритмоқда.

Тумандаги «Янги ҳаёт» қишлоқ фуқаролик йиғини ҳудудидаги фермер хўжаликлари фаолияти билан танишган Президент Ислом Каримов бир гуруҳ фермерлар билан суҳбатлашди. Юртбошимиз вилоятда қишлоқ мулкдорлари – фермерлар манфаатини ҳимоя қилиш, уларни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишларнинг аҳволи билан қизиқди.

– Фермер сифатида иш бошлаганимизга уч йилдан ошди, – дейди «Ғанипўлат» фермер хўжалиги раҳбари Субҳон Ғаниев. – Хўжалигимизда ўн беш киши меҳнат қилади. Фермерларнинг эркин фаолият юритиши учун барча имкониятлар яратилаётгани ишимизда жуда қўл келмоқда. Ғаллани ўриб-йиғиб олиш учун МТП билан шартнома тузиб қўйганмиз. Бу йил ҳам юқори ҳосил олишни кўзлаб турибмиз.

– Биз қишлоқ хўжалиги соҳасида ривожланган давлатларда синовдан ўтиб, ўзини оқлаган, самарали йўлни – фермерликни танладик, – деди Президентимиз. – Қисқа фурсатда бу усул ўз самарасини бера бошлади. Фермерлик ҳаракатини йўлга қўйиб, тўғри қилганимизни ҳаёт исботламоқда.

Юртбошимиз фермер хўжаликлари уюшмалари фаолиятини атрофлича ўрганиш, таҳлил қилиш лозимлигини таъкидлади. Фермерлар уюшмага ўз ихтиёри билан аъзо бўлишлари, уюшма эса уларга вақти-вақти билан ҳисоб бериб туриши лозим. У фермерни назорат қилувчи бюрократик ташкилотга айланиб қолмаслиги керак, деди Ислом Каримов.

Президентимиз тумандаги «Ҳожи» фермер хўжалиги далаларида меҳнат қилаётган бир гуруҳ хотин-қизлар билан суҳбатлашди. Уларнинг меҳнат ва турмуш шароити, оиласи билан қизиқди. Суҳбат иштирокчилари хотин-қизларнинг, айниқса, қишлоқ аёлларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишлар учун Юртбошимизга миннатдорлик билдирдилар.

Воҳид ЛУҚМОН,
Эркин ЁДГОР,
ЎзА махсус мухбирлари.

ТАЛАБЧАНЛИК ВА ФАОЛЛИК

Янгийўл шаҳри маҳаллаларида бўлиб ўтган сайловларнинг асосини ташкил этди

Айни кунларда улкан ижтимоий-сиёсий аҳамиятга молик воқеа — фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идораларига навбатдаги сайловлар давом этмоқда. Алоҳида таъкидлаш керакки, жойларда бу сиёсий кампания ниҳоятда уюшқоқлик ва талабчанлик билан ўтмоқда.

— Биз бугун «Кучли давлатдан — кучли жамият сари» тамойили асосида ҳуқуқий демократик давлат қурмоқдамиз, — дейди шаҳар ишчи гуруҳи раиси Мамараим Қаршиев. — Улкан салоҳиятга ва тарбиявий, маънавий-маърифий аҳамиятга эга бўлган маскан — маҳаллаларимиз биз қураётган демократик давлатнинг мустаҳкам пойдеворидир.

Кейинги йилларда маҳалла жамиятнинг муҳим бўғинларидан бирига айланди. Сабаби шундаки, инсон туғилиб, эсини таний бошлаганидан то умрининг охиригача шу мўъжазгина Ватан — маҳаллада ўсиб-улғаяди. Қолаверса, турмуш билан боғлиқ айрим масалалар, муаммолар шу масканда оқсоқоллар кенгашида бамаслаҳат ҳал бўлади. Шундай экан, бу қуйи органларга халқнинг бошини қовуштира оладиган, уларнинг дардларини тинглаб, баҳолиқудрат ёрдам қўлини чўза

Фуқаролар йиғинларида сайлов

оладиган оқсоқоллар сайланиши керак.

Бугун шаҳар аҳли оқсоқолларнинг ҳисобот даврида амалга оширилган ишлар юзасидан ҳисоботларини тинглаб, уларнинг икки ярим йиллик фаолиятларига баҳо берди. Ўн иккита маҳалладан 36 нафар оқсоқолликка номзод сайловда ўзининг келажак дастурлари билан қатнашди.

Ҳисобот-сайлов йиғилишлари ўзига хос фаоллик, очиқ-ошкоралик билан ўтди. Жумладан, С. Султонова маҳалласи фуқаролар йиғини оқсоқолининг икки ярим йиллик фаолиятига доир ҳисоботи сайловчиларни тўла қаноатлантирди. Ҳудудда 16-умумтаълим мактаби, 4-мактабгача тарбия муассасаси, «Юлдуз» пахта тозалаш, «Тохиржон» ғишт заводлари ва тўртта хусусий савдо-сотиқ шохобчаси ишлаб турибди. Уларда, асосан, маҳаллий аҳоли иш билан таъминланган. Турли мавзулардаги учрашувлар, маънавий-маърифий тадбирлар маҳалла ёшлари орасида ўзаро соғлом муҳитнинг янада мустаҳкамланишига хизмат қилмоқда. Шу боис маҳаллада ҳуқуқбузарликлар, жиноятчилик ҳолатлари учрамайди.

Ободонлаштириш, кўчаларни тартибга келтириш ҳамда кўкаламзорлаштириш ишлари анъана тусини олиб, маҳалла янада файзли бўлиб бормоқда. Симёғочларга ёритгичлар ўрнатилди, Умид кўчаси асфальтланди. Маҳаллага қўшимча янги газ қувурлари тортилди. Ёшлар билан ишлаш, уларни янги иш ўринларига жалб қилиш туфайли «Ядем-Текстиль» қўшма корхонасига 13 йигит-қиз ишга жойлаштирилди.

Ҳисобот-сайлов йиғилишида сўзга чиққан маҳалла фаоллари бу ишларга бош-қош бўлиб келаётган Маъруф Ҳасанов фаолиятини алоҳида эътироф этишди. У маҳалла оқсоқоллигига қайта сайланди.

Бундай талабчанлик, фидойилик ҳамда фаоллик асосида ўтаётган ҳисобот-сайлов йиғилишлари одамларни руҳлантириб, тадбиркорликни ривожлантиришга, ўз кўчаси, ўз маҳалласини янада обод қилиб, турмушни маънавий гўзаллаштиришга даъват этаётир.

Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

СУРАТЛАРДА: *Оққўрғон туманидаги Ўзбекистон маҳалласида ҳам оқсоқол ва унинг маслаҳатчилари сайлови уюшқоқлик билан ўтди. Бу ерда Абдужалил Саидорипов маҳалла оқсоқоллигига қайта сайланди.*

Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.

Семинар

УРУҒЛИК МУАММОЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

Дон сифати энг аввало, уруғлик сифатига боғлиқ. Шу боисдан уруғчилик аҳволи ва бу борада амалга оширилиши лозим бўлган вазифаларга беэътибор қараб бўлмайди.

Ўртачирчиқ туманида ғалла уруғчилигига бағишлаб ўтказилган республика амалий кўргазмали семинар кенгаши ана шу долзарб мавзуда бўлди. Унда республика ғаллачилик илмий-тадқиқот институти ва унинг вилоятлардаги филиаллари олимлари, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ва унинг вилоят бошқармаси вакиллари, «Ўздавуруғназорат» инспекцияси ҳамда «Ўздонмаҳсулот» компанияси таркибидаги корхоналар мутасаддилари иштирок этдилар.

Анжуман қатнашчилари тумандаги ғаллачиликка ихтисослашган «Саидовул» фермер хўжалиги ҳамда Андижон ғаллачилик илмий-тадқиқот институтининг Тошкент филиалида ғалла навлари бўйича амалга оширилаётган селекция ишлари, яратилаётган янги навлар, «Қорасув» ширкат хўжалиги далаларида етиштирилаётган уруғлик ғалла сифатини кўздан кечирдилар ҳамда Ўзбекистон ва Германия ҳамкорлигида барпо этилган, жаҳон андозалари талаблари даражасида ғалла ва чигит уруғларини тайёрлайдиган қўшма корхона фаолияти билан танишдилар.

Уруғчилик муаммоларига бағишланган ўқув-семинар фойдали баҳс-мунозараларга бой бўлди. Унда шунингдек, жавдар, арпа, шоли уруғчилиги муаммоларини бартараф этиш, дон етиштиришни кўпайтириш масалалари ҳам муҳокама этилди.

Маъмуржон БОЗОРАЛИЕВ.

СУРАТДА: *«Саидовул» фермер хўжалиги раҳбари Маматқул Саломов ўзи етиштираётган ғалла навлари ҳақида сўзлаб бермоқда.*

Абдуқодир ЭГАМҚУЛОВ олган сурат.

Ҳуқуқий тарғибот

ОИЛА ВА МАКТАБ ҲАМКОРЛИГИ

Зангиота туманидаги 15-умумтаълим мактабида «Вояга етмаганларнинг ҳуқуқий онги ва саводхонлигини оширишда оила ва мактаб ҳамкорлигининг роли» мавзуида ҳуқуқий-тарғибот тадбири бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси вояга етмаганлар ҳақидаги қонунлар ижроси устидан назорат бўлими, республика ва вилоят «Маънавият ва маърифат» марказлари, халқ таълими, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлимлари ҳамда туман мактаблари директорларининг маънавий-маърифий ва тарбиявий ишлар бўйича ўринбосарлари, «Қатортол» қишлоқ фуқаролар йиғини вакиллари иштирок этишди.

Асосий эътибор ўсмирларнинг ҳуқуқий онги ва саводхонлигини оширишда мактаб ҳамда жамоатчиликнинг ўрни, оилада болаларга ҳуқуқий тарбия беришда ота-оналарнинг вазифалари масалаларига қаратилди. Иштирокчи ўқувчи-ёшлар суҳбат асносида ўзларини қизиқтирган саволлар юзасидан малакали жавоб олдилар.

Саид ҲАСАНОВ.



«ДАМАЧИ»: АВВАЛГИ ДОВРУҚ ТИКЛАНМОҚДА

ёхуд хўжалик хусусийлашгач, фаолиятида рўй бера бошлаган ўзгаришлар ҳақида

Вилоятимизда қишлоқ хўжалигининг муҳим ва сердаромад тармоқлари ҳисобланган чорвачилик, паррандачилик, асаларичилик, балиқчилик каби йўналишларга ихтисослашиб, бу борада самарали фаолият, истиқболли изланишлар олиб бораётган, шу тариқа, ўз имкониятларини ошириб, йилдан йилга кенгайиб, иқтисодий барқарорликка эришаётган фермер хўжаликлари, турли мулкчилик шаклларидаги тадбиркорлик субъектларининг тобора кўпайиб бораётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Худди шу йўналишда фаолият юритаётган «Asia Agro Allianse» компанияси вилоятимиздаги балиқчилик, паррандачилик ва чорвачиликка ихтисослашган йирик хўжаликларни ўзига бирлаштирган ва жадал ривожлантираётган тузилмалардан ҳисобланади.

Ёдингизда бўлса, мамлакатимиз раҳбари Халқ депутатлари Тошкент вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида вилоятда чорвачиликни ривожлантириш талаб даражасида эмаслигини, кейинги йилларда соҳага эътибор сусайиб кетганлигини танқид қилган эди. Ўтган фурсат ичида тармоқда сезиларли ўзгаришлар қилиш, самарадорликни ошириш юзасидан аниқ режали чора-тадбирлар белгиланиб, унинг ижросига изчил киришила бошланганлиги қувонарлидир. Бу борада «Asia Agro Allianse» компанияси ва унинг таркибидаги хўжаликларда олиб борилаётган истиқболли ишлар, самарали ҳамкорлик ва изланишларга юқори баҳо бериш мумкин.

(Давоми 2-бетда).

2006 йил учун обуна давом этмоқда
«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» газетасининг индекси – 205.

Болалар ёзи — 2006

ОРОМГОҲЛАР КУТАЯПТИ

Касаба уюшмалари ташкилотлари вилоят бирлашмасининг кенгаши болаларни ёзги дам олдириш ва соғломлаштириш мавсумига тайёргарлик масалаларига бағишланган семинар ўтказди.

Унда вилоятнинг айрим бошқармалари, ҳуқуқ-тартибот идораларининг раҳбарлари, корхона ва ташкилотлар, ёзги оромгоҳлар, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими раҳбарлари, молия хизмати ходимлари иштирок этишди.

Ёзги соғломлаштириш мавсумида болаларнинг соғлигини тиклаш, оромгоҳларда санитария-гигиена қоидаларига риоя қилиш, жамоат тартибини сақлаш, маънавий-маърифий тарбия ишларини йўлга қўйиш, йўл ҳаракати, ёнғин хавфсизлиги, молия ва озиқ-овқат таъминоти билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди. Тегишли ташкилот ва идораларга болаларни оромгоҳларга олиб чиқиш ва ёзни кўнгилли ўтишини таъминлашга доир аниқ-равшан кўрсатмалар берилди.

Кўрик-танлов

САЛОМАТЛИКНИНГ ЁШ ДЎСТЛАРИ

Пойтахтдаги Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида мактаб ўқувчиларининг «Саломатликнинг ёш дўстлари» XXVIII анъанавий кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Қизил Ярим Ой жамиятининг вилоят кенгаши, халқ таълими, соғлиқни сақлаш, фавқулодда вазиятлар вилоят бошқармалари унинг асосий ташкилотчилари бўлишди.

Иштирокчилар навбат билан йўл ҳаракати қоидалари, жабрланганларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш, шахсий ва жамоат гигиенаси, уйда беморларга қараш, Қизил Ярим Ой жамияти тарихи ва фаолияти каби турлар бўйича назарий ҳамда амалий кўникмаларини намойиш қилишди.

Якуний натижаларга кўра, барча босқич талабларини зукколик ва эпчиллик билан бажарган Ўртачирчиқ туманидаги 56-умумтаълим мактаби ўқувчиларининг «Мурувват» гуруҳи биринчиликни қўлга киритди. Иккинчи ўрин Чирчиқ шаҳри ва Қибрай тумани вакилларига насиб этди. Учинчи ўринга эса, Оҳангарон шаҳри ва Юқоричирчиқ туманининг ўқувчи-ёшлари лойиқ топилди.

Ўз мухбиримиз.

Пилла – 2006

МАРРА ЯҚИН

Бекобод тумани пиллакорлари мавсум мобайнида қилинган бетиним меҳнат эвазига етиштирилган қимматбаҳо хом ашёни тезроқ саранжомлаб олиб, шартнома мажбуриятларини пешқадам сифатида бажариш ниятидалар. Ҳар йили пилла йиғим-теримига бошқа туманларга нисбатан барвақт киришадиган бекободлик пиллакорлар давлат эҳтиёжи учун қарийб 166 тонна кумуш тола етиштириб бериш буюртмасини олганлар. Улар аллақачон белгиланган довоннинг ярмидан ўтиб, марра сари тобора яқинлашмоқдалар.

СУРАТДА: *туманнинг «Туркман» маҳалласида истиқомат қилувчи Бувҳол Эшбекова давлатга 110 килограмм пилла топшириб, зиммасидаги буюртмани ортиғи билан бажарди.*

Султонбой ДЕҲҚОНОВ олган сурат.

ИСТЕЪДОДЛАРНИ ИЗЛАЙМИЗ

Пойтахтимизда мамлакатимиз олий ўқув юртлари талабаларининг "Истеъдодларни излаймиз" ашула ва рақс кўрик-танлови якунланди.

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги ҳамда Республика ўқувчи-ёшлар маркази ташаббуси билан ташкил этилган мазкур танлов юртимизнинг педагогика йўналишида таълим олаётган йигит-қизлар ижодкорлик қобилиятини юксалтириш, маънавий дунёсини бойитиш, уларда миллий санъатимизга қизиқишни янада кучайтириш, ноёб истеъдод эгаларини излаб топиш ва рағбатлантиришдан иборат эди.

Кўрик-танловда тақдим этилган бадиий дастурларнинг мазмуни, савияси, миллийлиги, иштирокчиларнинг ижрочилик маҳоратига алоҳида эътибор қаратилди. Танловда иштирокчилар мумтоз қўшиқ, якка рақс, замонавий қўшиқ, оммавий ашула ва рақс каби йўналишлар бўйича куч синашди.

ЎзА.

Иқтисодий ислоҳотлар йўлидан

«GOLD-KARRET» ГИЛАМЛАРИ

Бекободдаги «Металлист» корхонаси иқтисодий қийинчиликлар туфайли инқирозга юз тутган эди. Таассуфки, темир кроватлар ишлаб чиқариш бўйича мамлакатимизда машхур бўлган бу корхонани ҳам бозор иқтисодиёти қийинчиликлари четлаб ўтмади.

Ўзбек ва турк ишбилармонлари унинг бўшаб ётган биноларини сотиб олиб, енгил саноат маҳсулоти тайёрлаш корхонаси барпо этишга зудлик билан киришдилар. Ўтган йилнинг октябрь ойида бошланган саъй-ҳаракатлар ўз самарасини берди. «GOLD-KARRET» қўшма корхонасига қисқа муддатда асос солинди. Унга 52 миллион сўм инвестицион мажбурият сифатида киритилди.

Корхона Туркиядан олиб келинган замонавий тўқув дастгоҳлари билан жиҳозланди. Қиркдан ортиқ маҳаллий ёшлар иш билан таъминланди. Ўтган апрель ойидан бошлаб дастлабки маҳсулотлар ишлаб чиқарила бошланди. Корхонада 3 та цех мавжуд бўлиб, улар гилам тўқиш; уни бутлаш ва сочиқ тўқишга ихтисослашган. Корхона ойига 180 минг квадрат метр ҳажмда гилам ва 20-30 минг дона сочиқ ишлаб чиқариш қувватига эга. Гилам тўқувчилар асосан маҳаллий ёшлардан иборат бўлиб, турк ишбилармонлари ҳамкорлигида ишлашади.

Шуниси диққатга сазоворки, гилам тўқиш дастгоҳлари замонавий бўлиб, уларда турли хил ўлчамдаги гиламларни тўқиш мумкин. Бу ерда 11 минг сўмдан 100 минг сўмгача бўлган турли хил гиламларни харид қилиш мумкин. Ҳозирча корхона хусусий тадбиркорлар буюртмаларини бажармоқда.

— Келгусида ишлаб чиқариш учун лозим бўлган ип, елим каби хом ашёларни тайёрлашга эришамиз, сўнгра ўз маҳсулотларимиз билан Россия ва Европа бозорларига ҳам чиқишни ният қилганмиз, — дейди хусусий корхона раҳбари Жавлон Эшмуродов. — Олинган фойдамиз эвазига корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турларини кўпайтириб борамиз. Йил охиригача ишчиларимизнинг умумий сонини 250 нафарга етказиш кўзда тутилган.

Ашурали БОЙМУРОДОВ.

Қурувчилар корига яраб...

УЙЛАР ЧИРОЙЛИ БЎЛСИН ДЕСАНГИЗ...

Оҳангарон шаҳридаги «Universal master servis» ишлаб чиқариш корхонасида алюминийдан турли ҳажмда ва кўринишда эшиклар, дераза ромлари ясалмоқда. Ишлаб чиқарилган маҳсулотларга 50 йиллик муддати билан кафолат берилади. Шу сабабдан мижозлар сони ортиб бормоқда.

Ҳусанбой АВВАЛОВ олган сурат.

2006 йил — Ҳомийлар ва шифокорлар йили

Бир аллома «Афтидан, шифокорларнинг бутун мўъжизалари беморга диққат-эътиборларида. Ана шу куч туфайли улар беморларни оёққа турғизишади», деган экан. Олий тоифали шифокор Шоабдулла Алматов ҳам оғир беморларга қайта ҳаёт бағишлаш йўлида тинмай ҳаракат қилаяпти.

ЭЛ КОРИГА ЯРАШ БАХТИ



Волидаи муҳтарамаси инсульт бўлиб, узоқ йиллар мобайнида тўшакка михланиб қолгани, унинг кўз олдида азоб чекаётгани дарду дунёсини қоронғулаштирарди. Айниқса, онасининг шу оғир касаллик туфайли ёруғ дунёдан кўз юмиши уни шифокор бўлишга даъват этди.

Шоабдулла Алматов 1970 йили вилоят ўсма касалликлари диспансерида онколог, хирургия бўйича ординатор бўлиб хизмат қилди. 1978 йилдан шу кунгача жарроҳлик бўлими бошлиғи лавозимида фаолият юритиб келаётир. Олий тоифали шифокор, тиббиёт фанлари номзоди Ш. Алматов билан бўлим ишлари, соҳадаги янгиликлару, мавжуд муаммолар ҳамда келгусидаги режалар хусусида суҳбатлашдик.

— Сўнгги вақтларда бўлимга асосан кимлар қандай касалликлар билан мурожаат қилишмоқда?

— Ҳозир вужудга келган вазиятни бир сўз билан изоҳлайдиган бўлсак, касалликлар анча ёшарганлиги кузатилмоқда. Аввалари кўпроқ 45-55 ёшдаги кишилар дардларига даво истаб келишарди. Ҳозир эса беморлар орасида 35, 32, ҳатто, 28 ёшлилар ҳам учрамоқда. Айни шу жиҳат жиддий ўйлаб кўришга арзийдиган муаммо, деб ўйлайман.

Беморлар асосан ошқозон, сут бези, ўпка, қизилўнгач саратонлари билан оғриб, мурожаат қилишади. Бу касалликларнинг келиб чиқишига озиқ-овқатларнинг таркиби ва овқатланиш тартибининг бузилиши, қалқонсимон безнинг яхши ишламаслиги, йод танқислиги кабилар сабаб бўлади. Яна бир томони бу касалликларнинг авлодданавлодга ўтувчи хусусияти ҳам бор.

— Беморлар кўпроқ қайси ҳудудлардан мурожаат қилишади?

— Бўлимга Олмалиқ, Ангрен шаҳарлари ҳамда Ўртачирчиқ, Тошкент туманларида истиқомат қилувчи фуқаролар кўпроқ мурожаат қилишяпти. Чунки, айни шу ҳудудларда ҳавода, тупроқда, сувда зарарли моддалар кўпроқ. Бунинг устига тиббий хизмат даражаси ҳам нисбатан паст.

Мисол сифатида Ангрен шаҳрини олиб кўрайлик. У ерда бугунги кунда 138 минг киши яшайди. Шунча аҳолига атиги битта рентген аппарати мавжуд. У ҳам бўлса кончиларга қарашли шифохонада жойлашган. Шаҳарнинг бир чеккасида яшайдиган бемор касалликни аниқлаш ва ташҳис қўйдириш учун узоқ йўл юриб келишга мажбур. Қолаверса, биринчи ташҳис учун текширувлар вақтида ўтказилмаслиги, ихтисослашган рентген хоналарининг яхши жиҳозланмаганлиги касаллик камаймаётганлигига сабаб бўлмоқда. Холбуки, бу муаммоларни бартараф этмай туриб, биз ҳеч қачон ўзимиз орзу қилаётган даражадаги тиббий хизмат маданиятига эриша олмаймиз.

— «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» давлат дастурини бажаришга бўлим қандай амалий ҳисса қўшяпти?

— Биз бўлимимизни энг замонавий тиббий асбобускуналар билан етарли жиҳозлашга ҳаракат қилаяпмиз. Бугунги кунда бўлимда ультратовушли бронхоскоп, вибрагастроскоп, 7 турдаги рентген аппаратлари, наркоз, жарроҳлик, куйдиришда ишлатиладиган лазер ускуналари мавжуд. Яқинда Германиядан «Гокус» ҳамда «Агат» номли замонавий нур аппаратларининг олтитаси олиб келиб ўрнатилди. Ҳомийлар томонидан бизга жуда зарур бўлган бронхоскоп аппарати тақдим этилди. У 500 АҚШ доллари туриши айтилса, бу ёрдам қанчалик қимматли экани тушунилади. Бўлим учун ажратилган икки дона компьютер касаллик варақаларини тез тўлдиришда, интернет тизими орқали халқаро тажрибалар билан яқиндан танишишда жуда қўл келаяпти.

— Диспансер фаолиятида қандай ўзгаришлар, янгиликлар бўлиши кутилмоқда?

— Яқин ойларда бўлимларни профилизациялаш жараёни бошланиши кутилмоқда. Бу жараёнда алоҳида бўлим очилади. Унинг фаолияти ҳам нур билан даволаш, ҳам жарроҳлик ишларини қўшиб олиб боришга қаратилади. Бўлим бир вақтнинг ўзида 30 нафар беморга хизмат кўрсатиши мумкин. Янгиликнинг афзаллик томони шундаки, бемор ётиб даволаниб чиққунига қадар ўзига керакли барча маълумотларни, хизматларни шу ердан олиши мумкин. Демак, вақтни зое кетказиш ҳолларига чек қўйилади.

— Сиз бошқараётган бўлимда фаолият юритаётган ходимлар анча тажрибали, малакали бўлишса керак?

— Ҳозирги кунда бўлимимизда 23 нафар тиббиёт ходими фаолият юритмоқда. Улардан уч нафари юқори малакали, олий тоифали шифокор ҳисобланишади. Ўрта тиббиёт ҳамширалар 12 кишини ташкил этади. Шифокоримиз Виталий Тегай, бош ҳамшира Нигора Маннопова, Малика Каримова, Нури Холмуҳамедова, Нозима Норматова, Зарифа Мусаева каби ҳамшираларимиз кўп йиллардан буён халққа сидқидилдан хизмат кўрсатиб келишмоқда. Уларнинг юқори маҳорати, бой тажрибалари, ширин сўзлиги не-не беморларнинг бу даргоҳдан етти мучаси соғ бўлиб чиқиб кетишларини таъминламоқда.

Хуршида НАЗАРОВА суҳбатлашди.

Ўртачирчиқ туманидаги «Ҳақиқат» ширкат хўжалигида катта тадбир бўлиб ўтди.

ТАДБИРДА КИТОБХОНЛАР

Унда тумандаги 10-, 11-, 34-умумтаълим мактаблари ўқувчилари, «Маҳалла» хайрия жамғармасининг туман бўлими ҳамда кутубхоналарнинг 150 нафарга яқин китобхонлари иштирок этишди.

Мактаб ўқувчилари томонидан «Инсон қадри», «Хотира — азиз», «Меҳр-мурувват — улуғ фазилат» каби мавзуларда намойиш этилган саҳна кўринишлари йиғилганларга байрамона кайфият бағишлади.

Ибодилла МЎМИНОВ.

Бугуннинг гапи

ДАМ ОЛИШНИ ҲАМ БИЛИШ КЕРАК

Йўловчиларга транспорт хизмати кўрсатиш тизимини такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар кўлами тобора кенгайиб бормоқда. Йўловчи ташувчи ҳайдовчи ва транспортлар назоратини изчил йўлга қўйиш мақсадида улар юридик мақомга эга уюшмаларга бириктирилмоқда.

Бугунги кунда вилоятда бундай уюшмалар сони 50 тага яқинлашди. Олмалиқдаги «Олмалиқмахтранс», Паркентдаги «Медавтосервис», Чирчиқдаги «Махтакситранс» уюшмалари шулар жумласидандир.

Эндиги масала йўловчилар хавфсизлигини таъминлаш учун ҳайдовчиларнинг соғлиқларини тиклаш, дам олишларини ташкил этишдир. Ана шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси автомобиль, дарё, электр транспорти ва йўл хўжалиги ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгашига шахсий ҳайдовчилар уюшмаларини аъзо қилиш мақсадида тарғибот-ташвиқот тадбирлари ўтказилмоқда.

— Ҳайдовчиларнинг саломатликларини тиклаш, дам олишларини ташкиллаштириш ва зарур шарт-шароитларни яратиш асосий вазифаларимиздан биридир, — дейди Ўзбекистон Республикаси автомобиль, дарё, электр транспорти ва йўл хўжалиги ходимлари касаба уюшмаси марказий кенгашининг вилоятдаги вакили Баҳодир Жўрабоев. — Вилоят касаба уюшмаси аъзоларини кўпайтириш, ҳайдовчилар уюшмаларини бу масалага кенгроқ жалб қилиш учун улар ўртасида тушунтириш ишларини олиб бораяпмиз.

Шу саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ, қисқа фурсатда ўнга яқин хусусий йўловчи ташиш корхоналари касаба уюшмамизга аъзо бўлди. Жумладан, «Автомобилчи-С», «Автохизмат», «Оқиўлтранс», «Йўловчи», «Нурли оқшом», «Автомобилчи» шўъба корхоналарининг аризаларига биноан улар билан ўзаро шартнома тузишга киришилди. Хусусан, марказий кенгашнинг «Автотранспортда йўловчи, юк ташиш ва бошқа меҳнат фаолияти билан шуғулланаётган шахсий ташувчилар уюшмаларида касаба уюшмасининг бошланғич ташкилотларини тузиш тартиби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси автомобиль ва дарё транспорти агентлиги билан қўшма қарорига асосан вилоятда янги ташкил этилаётган шахсий ташувчилар уюшмаларида тармоқ касаба уюшмасининг бошланғич ташкилот раҳбарлари сайланмоқда.

— Ишлаган одам дам олишни ҳам билиши керак, — дейди Тошкент туманида янги ташкил этилган «Конкодсервис» хусусий ташувчилар уюшмаси раҳбари Рустам Толипов. — Шуни ҳисобга олиб, уюшмамизга аъзо 60 та ҳайдовчининг вақтида ҳордиқ чиқаришини таъминлаш ва соғлиқларини тиклаш мақсадида вилоят тармоқ касаба уюшмасига ариза билан мурожаат этдик. Яқинда уюшмада йиғилиш ўтказиб, касаба уюшмасининг бошланғич ташкилотини тузамиз ва унинг раисини ҳам сайлаймиз.

— Мақсадимиз, вилоятда фаолият кўрсатаётган 48 та шахсий ташувчилар уюшмаларини тармоқ касаба уюшмамизга аъзо қилишдир, — дейди Баҳодир Жўрабоев суҳбатимиз пировардида. — Бу ҳар иккала томон учун ҳам манфаатли деб ўйлайман.

Равшан ЁҚУБЖОНОВ, «Тошкент ҳақиқати» мухбири.

ХАЛҚАРО «ТАЪЛИМ – 2006» КЎРГАЗМАСИ

Ўзбекистон Бадиий академияси Марказий кўргазмалар залида "Таълим – 2006" мавзуида биринчи халқаро кўргазма очилди. У Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси томонидан Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими вазирликлари, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Кўргазмада мактаб ўқувчилари, бўлғуси абитуриентлар, ота-оналар юртимизнинг саксонга яқин олий ва ўрта махсус таълим муассасалари, тегишли ишлаб чиқариш корхоналари, илмий марказлар фаолияти ва имкониятлари ҳақида атрофлича маълумот олишлари мумкин. Айни пайтда мазкур кўргазма билим даргоҳлари, илмий муассасалар ва ишлаб чиқариш корхоналари ўртасидаги ҳамкорликни янада самарали йўлга қўйиш, фаолиятини мувофиқлаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

Уч кун давом этадиган ушбу тадбирда нафақат юртимиз, балки кўплаб хорижий давлатларнинг олий ўқув юртлари, илмий-маърифий марказлари фаолияти ҳақида ҳам атрофлича маълумот олиш имкони бор.

Назокат УСМОНОВА, ЎзА мухбири.

«ДАМАЧИ»:

АВВАЛГИ ДОВРУҚ ТИКЛАНМОҚДА

ёхуд хўжалик хусусийлашгач, фаолиятида рўй бера бошлаган ўзгаришлар ҳақида

Компаниянинг асосий йўналиши балиқчилик ҳисобланади. Бир пайтлар «Ўзбалиқ» таркибида бўлган, ўз даврида нафақат вилоятимиз, балки бутун мамлакатда донгдор ҳисобланган Зангиота туманидаги «Дамачи» очиқ акциядорлик жамияти эндиликда ана шу компания тасарруфида фаолият юритмоқда.

Очиғи, кейинги йилларда балиқчиликка ихтисослашган «Дамачи» хўжалигида маҳсулот етиштириш кескин пасайиб, иқтисодий инқироз ёқасига келиб қолганди. Йилига 800-900 тонна балиқ етиштирадиган хўжаликнинг ишлаб чиқариш кўрсаткичлари 1997 йилга келиб 230, 2003 йилда 150 тоннага тушиб қолганди. Айни ҳол хўжалик фаолиятини тубдан ислоҳ қилиш, бошқача қилиб айтганда, уни қолоқлик ботқоғидан чиқариш чораларини кечиктирмаслик зарурлигини кўрсатди. Ниҳоят 2005 йилда хўжалик «Asia Agro Allianse» компанияси таркибига ўтди ва мустақил иш юрита бошлади.

– Президентимиз кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда қўллаб-қувватлашга беқиёс эътибор ва ғамхўрлик кўрсатмоқдалар, – дейди компания бошқарув раиси Абдужалил Абдумавлонов. – Бу фаолиятимизни тўғри йўлга қўйиш ва жадал ривожлантиришда ўзига хос рух, куч-қувват бағишлайди. Айни вақтда иқтисодий самарадорлигимиз ошиб, барқарор юксалиш йўлига ўтиб олдик. Тармоқларимизни кенгайтириш, жаҳон тажрибаларини амалиётда қўллаш, янги изланишлар олиб боришни мақсад қилганмиз. Шу тариқа асосий йўналишларимиз – балиқчилик, паррандачиликни ривожлантириш, қорамолларимиз туёғини кўпайтириш, ўзимизда маҳсулотни қайта ишловчи цехлар фаолиятини йўлга қўйиш, ички ва ташқи бозорларни сифатли маҳсулотлар билан таъминлашни режалаштираяпмиз.

Меҳнатга янгича муносабат, янгича ёндошув, баланд марралар сари қўйилаётган дадил қадамлар, бир сўз билан айтганда, яхши ниятга яраша қилина бошланган саъй-ҳаракатлар бежиз кетмади. Хўжаликда мавжуд имкониятларга монанд натижага эришилмоқда. Хусусан, ўтган йили 420 тоннадан зиёд балиқ етиштирилиб сотилди. Бу бир мавсумнинг ўзида аввалги ҳолатга нисбатан қарийб уч баробар юқори кўрсаткич, демакдир.

Эришилаётган ютуқлар омили, уларнинг қиёсий таҳлили хусусида компания бош маслаҳатчиси Бахтиёр Тўлаганов шундай дейди;

– Албатта, хўжалигимизнинг маҳсулот етиштириш имконияти ҳозиргидан анча юқори. Балиқлар босқичма-босқич парваришланадиган 13 та ҳовуз мавжуд. Хўжалик умумий майдони эса 220 гектарни қамраб олади. Бу ерда Иброҳим Халилов, Ғанижон Тўрақулов, Шуҳрат Абдусамадов, Абулқосим Алимбетов, Дилмурод Дўстмирзаев, Алишер Ўразалиев каби ўнлаб тажрибали мутахассислар меҳнат қилишади. Айтиш мумкинки, мавжуд имконият ва шарт-шароитлардан самарали, оқилона фойдаланилса, аввалги салоҳият ва довруқни тикласа бўлади. Бунинг учун, аввало, балиқ парваришлаш сарф-харажатининг мукаммал иқтисодий асосларини ишлаб чиқиш, соҳага жаҳон балиқчилигининг илғор тажрибаларини татбиқ этиш, парваришнинг барча босқичлари талабларини вақтида, тўлиқ адо этиш зарур.

Хўжалигимизда асосан Дўнгпешона, Сазан, Оқ амур каби омихта ем билан парваришланадиган ҳамда ўсимликхўр балиқлар боқилади. Бу ўз-ўзидан керакли озуқа, минерал ва маҳаллий ўғитлар таъминоти масаласини ўртага қўяди. Буни ҳозирги кун балиқчилигининг энг оғриқли нуқталаридан, десам янглишмайман. Ўртача бир килограммли балиқнинг бунёдга келиши учун 6 килограмм омихта ем сарф этилишининг ўзи ҳам озуқа муаммосининг нечоғлик аҳамиятли эканини кўрсатади. Ўсимликхўр балиқларни етарли миқдорда озиқлантириш учун ҳам ҳар гектар ҳовузга 500 килограмм атрофида минерал ўғит сарф этилаётир. Бу каби масалаларнинг ижобий ҳал этилиши, узлуксиз йўлга қўйилиши билан бунданда юқори самарадорликка эришиш имконияти пайдо бўлади.

Хўжалик аъзолари бу йил 450 тонна балиқ етиштириш ниятидалар. Айни пайтда балиқлар парвариши рисоладагидек олиб борилаётир. Уларнинг етарли миқдорда озиқлантирилиши, турли касаллик ва зараркунандалардан талафот кўрмаслиги учун керакли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Уларнинг ўсиши ҳар 15 кунда мунтазам назоратдан ўтказиб турилибди.

— Узоқ йиллардан бери шу хўжаликда ишлаяпман, — дейди хўжалик мутахассиси Ғанижон Тўрақулов. — Хўжалик гуллаб-яшнаган, ишлаб чиқариш кўрсаткичлари мутлақ даражага етиб, режалар ортиғи билан уддаланган, тармоқ эътибордан четда қолиб, ўзибўларчилик, боқимандалик оқибатида ачинарли аҳволга тушиб қолган йилларга ҳам гувоҳмиз. Қувонарлиси, янги тизим, янги шаклда фаолият бошлаган хўжалигимиз ўзининг аввалги шуҳратини тиклаш йўлидан бормоқда. Ҳали олдинда қилинадиган ишлар кўп. Муаммолар ҳам йўқ эмас. Бироқ, манфаатдорлик юксалган жойда ҳар қандай мураккабликларга ечим топилади. Бозор иқисодиётининг бугунги кундаги муҳим жиҳатларидан бири ҳам шу.

Дарҳақиқат, компаниянинг фаолияти, мақсад ва интилишлари ҳам айнан бугунги кун талабига мос. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун мамлакатимиз қишлоқ хўжалигининг сердаромад, айни пайтда, мураккаб тармоқларида муваффақиятларга эриша бошлаган компания фаолиятига бир қур назар ташлаш кифоя.

Мўмин ИБОДОВ, «Тошкент ҳақиқати» мухбири.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўзбекистон телевидениеси кўрсатувлари

ДУШАНБА 22

ЎЗБЕКИСТОН 1TV

8.00-8.45 «Таҳлилнома».
8.50 Олтин мерос.
9.00 «Фридерик Шопен».
9.50 «Камалак» экрани.
10.40 «Рақслар жилоси».
10.55 «Сизнинг адвокатингиз».
11.00 «Ахборот».
11.15 «Омон бўлинг!»
11.20 «O`zbektelefilm» намойиши: «Қуёшли ўлкам».
11.30 «Одами эрсанг»
11.50 У. Азим. «Алпомишнинг қайтиши». Муқимий номидаги ўзбек давлат мусиқий театрининг спектакли. 1-қисм.
13.00 «Алпомишнинг қайтиши». Спектакль. 2-қисм.
13.55 Олтин мерос.
14.00 «Ахборот».
14.15 ТВ анонс.
14.20 «Олтин бешик».
14.55 «Гаровдаги муҳаббат». Б/ф.
16.40 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.00 «Ахборот».
17.15 Олтин мерос.
17.25 «Равнақ»
17.45 «Умр дафтари». М. Уйғур. 1-қисм.
18.05 «Оҳанглар оғушида».
18.15 «Мехробдан чаён». Видеофильм. 6-қисм.
19.00 «Аъло ўйинчи».
19.20 Биржа ва банк хабарлари.
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
19.30 «Ахборот»
20.05 «Омон бўлинг!»
20.10 «Ишқ эртаги». Т/с.
21.00 «Ахборот».
21.40 «Бир ўлка-ки»
22.00 «Йигит кўнгли». Т/с.
23.10 «Қўшиғимсан, муҳаббат»
23.20 «Олам ва одам» дастури

ЁШЛАР

16.00 Давр.
16.10 Анонслар.
16.15 "Янги авлод" шоуси.
16.30 Шум болалар.
16.40 SMS-кинотанлов.
16. 45 Ёшлар овози.
17.00 Олий лига кундалиги.
17.15 Анонслар.
17.20 Кино SMS.
17.25 "Сени излаб". Б/ф.
18.00 SMS-кинотанлов.
18.05 Анонслар.
18.10 Қизил ҳудуд.
18.25 UzEX хабарлари
18.35 Ёшлик наволари.
18.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 Анонслар.
19.40 CINEMANIYA.
20.00 Спорт-лото.
20.10 UzEX хабарлари.
20.20 Ракурс.
20.35 Мусиқий лаҳзалар.
20.45 UzEX хабарлари
20.55 Эълонлар.
21.00 "Аёл эрки". Т/с 1-қисм
21.40 Анонслар.
21.45 Кино-SMS.
21.50 Мусиқий лаҳза.
21.55 Иқлим.
22.00 Давр.
22.35 Кино-SMS.
22.40 Интерфутбол.

ТОШКЕНТ

18.20, 21.15 "Экспресс"
18.30 "Пойтахт".
18.50, 20.20, 21.45 "ТВ анонс".
18.55 "Болажонлар экрани".
19.10 "Бир жуфт аския".
19.15 "Табриклаймиз- қутлаймиз".
19.45 "Саломат бўлинг".
20.00 "Пойтахт".
20.25 "Камила". Т/с.
20.45, 21.50 "Телекурьер маркет".
20.55 "Тв юрист".
21.00 "Оқшом наволари".
21.25 "Журналист таҳлили".
22.00 "Моҳир".
22.25 "Келди-ю кетди". Б/ф.

СПОРТ

7.00 "Бодрое утро".
8.00 "Версия".
8.30 "Шоввозлар". М/с.
9.00 "Талқин".
9.30 "Талисман". Т/с.
10.10 Мини футбол. Япония - Гонконг.
11.20 "Кучли бешлик".
12.00-13.20 Мини футбол. Ўзбекистон - Малайзия.
18.00 "Болалар спорти".
18.15 "Тет-а-тет".
18.30 "Хабарлар".
18.50 "Проф-РИНГ".
19.30 Мини футбол. Ироқ - Япония.
20.50 "Спортимиз маликалари".
21.10 "Футбол шарҳи".
21.30 "Хабарлар".
21.50 "Девять месяцев". Т/с.
22.40 Футбол. Россия кубоги. Финал "ЦСКА" - "Спартак".

СЕШАНБА 23

ЎЗБЕКИСТОН 1TV

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.40 Олтин мерос.
8.45 «Фантастик ҳайвон овловчилари».
9.35 1. «Ўйла, Изла, Топ!» Телемусобақа. 2. «Шумтакалар». М/с.
10.35 «Остонаси тиллодан».
10.55 Биржа ва банк хабарлари.
11.00 «Ахборот».
11.15 «Омон бўлинг!»
11.20 «Ишқ эртаги». Т/с.
11.55 «Дил таронаси».
12.00 «Бир жиноят изидан».
12.25 «Бир ўлка-ки»
12.45 «Йигит кўнгли». Т/с.
13.50 Олтин мерос.
14.00 «Ахборот».
14.20 «Шахсий фикр».
14.55 «Жавоҳир».
15.00 «Ахборот»
15.15 «Қимматга тушган ҳузур-ҳаловат». Б/ф.
16.35 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.00 «Ахборот».
17.15 Эски альбом.
17.20 Халқаро гиёҳвандликка қарши кураш куни олдидан. «Ҳаёт ва қонун».
17.45 «Умр дафтари». М. Уйғур. 2-қисм.
18.05 «Агар Сиз».
18.25 «Мехробдан чаён». Видеофильм. 7-қисм.
19.10 «Банк ва мижоз».
19.20 «Сизнинг адвокатингиз».
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
19.30 «Ахборот»
20.05 «Омон бўлинг!»
20.10 «Ишқ эртаги». Т/с.
21.00 «Ахборот».
21.40 Эркин мавзу.
22.00 «Йигит кўнгли». Т/с.
23.10 «Қўшиғимсан, муҳаббат»
23.20 «Японияннинг ёввойи табиати».

ЁШЛАР

6.00 "ЯНГИ ТОНГ".
8.00 Даврнинг боласи.
8.10 Шум болалар.
8.20 Расмлар сўзлаганда.
8.25 Олий лига кундалиги.
8.40 Анонслар.
8.50 "Аёл эрки". Т/с 1-қисм.
9.35 "Хонобод".
9.55 Анонслар.
10.00 Давр.
10.15 Ракурс.
10.30 Қизил ҳудуд.
10.50 Оҳанрабо.
11.30 Анонслар.
11.35 Аждодлар садоси.
11.40 "Оила тилсими". 1-қисм.
12.10 "Тақдир". Т/с.
12.55 Анонслар.
13.00 Давр.
13.10 Афсона ва ҳақиқат.
14.00 "ЯНГИ КУН".
15.05 "Даллас". Т/с.
15.50 Мусиқий лаҳзалар.
16.00 Давр.
16.10 Анонслар.
16.15 "Мультфомоша".
16.30 Эврика.
16.40 Ёшлар овози.
16.55 ТВ-дорихона.
17.10 "Чинор остидаги дуэль". Б/ф.
18.25 Азиз неъмат.
18.35 Ёшлар куйлаганда.
18.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 Анонслар.
19.40 ÇINEMA BOLLIVUD.
19.55 Енимдаги бахт.
20.00 "JOKER" телелотореяси.
20.15 Автопатрул.
20.35 Мусиқий лаҳзалар.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Аёл эрки". Т/с 2-қисм.
21.40 Анонслар.
21.50 Мусиқий лаҳза.
21.55 Иқлим.
22.00 Давр.
22.40 Кўнгил таронаси.
22.50 "Қалб туғёни". Б/ф 1-қисм.

ТОШКЕНТ

